РАНГТАСВИРНИНГ МОДЕРН ОҚИМЛАРИ ВА МОДЕРН ШЕЪРИЯТ

С.Д.ҚУРОНОВ

В статье рассматривается взаимосвязь модернистских направлений живописи и литературы. На примерах произведений поэта-модерниста Бахрама Рузимухаммада указывается процесс визуализации словесного образа в современной узбекской поэзии, выявляются и утверждаются основные факторы данного литературного явления.

The article discusses interrelations of modernist trends in painting and literature. In the examples of the creative works of the poet-modernist Bahrom Pozimuhammad the author tries to show the process of visualization of figurative meaning of the word in modern Uzbek poetry, displays and conforms the main factors of this literary phenomena.

Ўзбек адабиётшунослигида қизғин мунозараларга сабаб бўлган модернизм масаласида ҳануз якуний хулосага келинган эмас. Сираси, бу борадаги қарашлар хилма-хиллиги, асосан, унинг миллий адабиётимиз намуналарида бор ё йўқлиги масаласи билан чекланади. Мутахассисларнинг аксарият чиқишларида модернизмни ўзбек менталитетига ёт ҳодиса сифатида талқин этиш ёки, аксинча, уни тасдиқлаш ва шакл хусусиятларига маҳлиёлик устувор экани кузатилади. Аслида, ўзбек модернизми ҳам, худди Ғарбдаги каби, ўзининг ижтимоий-руҳий асосларига эга эстетик ҳодиса бўлиб, унинг ортида 80-йиллар охири 90-йиллар аввалида минтақамизда содир бўлган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, “ўтиш даври”нинг кайфияти яширинган эди. Яъни объектив ҳодиса сифатида, бизнинг унга салбий ё ижобий муносабатда бўлишимиздан қатъи назар, модернизм маданий ҳаётимизда мавжуд бўлди ва сезиларли из қолдирди.

Ғарб бадиий-эстетик тафаккурида ўтган асрнинг 70-80-йилларига қадар устуворлик қилган бу йўналиш биринчи жаҳон урушига қадар, иккала жаҳон уруш оралиғида, урушдан кейинги даврларда ўз ифода тамойилларини доимо янгилаб борган. Албатта, Ғарбда ҳукм сураётган кайфият бу улкан ҳудуддаги миллатларнинг барчасига бирдай тааллуқли бўлса-да, ҳар бир миллат модернизмни ўз менталитети, ижтимоий-маданий ҳаётига мос равишда қабул қилади. Шу маънода модернизм таркибида кўплаб оқимларнинг вужудга келишига сабаб сифатида даврий ўзгаришлар билан бир қаторда, ҳудудий бўлинишларни ҳам кўрсатиш мумкин. Мазкур даврда биргина тасвирий санъатнинг ўзида йигирмадан ортиқ йўналишлар оммалашган. Булар сирасида фовизм, кубизм, абстракционизм, сюрреализм, дадаизм, футуризм, экспрессионизм, поп-арт, оп-арт каби йўналишларни кўрсатиш мумкин.

Биз бежиз тасвирий санъатдаги модерн оқимлар ҳақида сўз очмаяпмиз. Зеро, модернизмга хос ифода тамойиллари энг аввал визуал санъатлар, хусусан, рангтасвир, ҳайкалтарошлик, меморчилик каби турларда акс эта бошлади. Умуман, бу йўналишнинг ривожида ва турли оқимларининг юзага келишида тасвирий санъатнинг ўрни беқиёс. Шу сабабдан ўзбек модерн адабиёти намуналарини тасвирий санъатда кечган силсилалар билан таққослаб ўрганиш, биринчидан, адабиётшуносликдаги баҳсли масалаларга қисман бўлса-да ечим топишга, иккинчидан, бу йўналишнинг ўзига хос жиҳатларини тераноқ тушунишга, ҳис этишга кўмак беради.

Ўзбек модерн шеъриятининг танқидчиси ўлароқ танилган шоир Баҳром Рўзимуҳаммад “Чўлпон – тонг юлдузи демак” номли китобида санъатларнинг ўзаро алоқада талқин қилиниши, ҳис этилиши ҳозирги замон модерн шеъриятини тушунишда асосий калит эканини айтиб ўтади [1.69]. Худди шу гап, албатта, унинг поэтик ижодига ҳам тааллуқлидир. Б.Рўзимуҳаммад шеърияти визуал образлиликнинг устуворлиги, ҳис-кечинмаларнинг сирли ва абстракт тасвир орқали совуққина (гўё ҳиссиз) ифодаланиши билан ажралиб туради:

Тонг ўрнига нимадир отибди
бир эмас жуда кўп кундузлар жимирлар
тўртбурчак учбурчак кундуз ва кундузчлар
баъзиси ним пушти баъзиси жигарранг
баъзиси тундек қоп-қора
рангсиз баъзиси…

Классик ренесанс санъатининг реалликка монанд ифода тамойилларидан чекинган импрессионизм йўналиши модернизмнинг илк оқими фовизм учун катта замин яратиб беради. Фовизм оқими вакиллари импрессионизмдаги ранглар ўйноқилиги, улардаги ўзаро уйғунликни сақлаб қолсалар-да, тасвирлаш тамойилларига катта ўзгартиришлар киритдилар. Фовистлар, жумла-

дан, тасвирга турли геометрик шакллар, синиқ чизиқлар ва тўқ рангларни олиб кирдилар. Баҳром Рўзимуҳаммаднинг “Тонг ўрнига нимадир отибди” мисраси билан бошланувчи шеъридан олинган юқоридаги парча фовизмга хос ифода хусусиятларини ёдга солади. Шоир анъанавий пейзаж тасвирларидан умуман фарқ қилувчи манзарани чизиб, табиатни турли шаклларда, ўзига хос рангларда ифодалашга уринади. Албатта, табиат ўз ҳолича ҳам жуда гўзал, аммо унинг инсон кўзларидан яширин баъзи гўзалликлари ҳам борки, буни санъаткоргина бошқаларга кўрсата олади:

Дераза пардаси яшилланмоқда
ойнадан тушмоқда ям-яшил шафақ
қаранг истеъфога чиқибди бугун
қуёшда қизил ранг чарчаб ниҳоят
яшил қуёш кўтарилар энди уфқдан…

Шоирнинг 1989 йилда ёзилган “Дераза пардаси яшилланмоқда” мисраси билан бошланувчи шеъри ҳам тасвирлаш принципларига кўра юқоридаги шеърга яқин туради. Аммо бунда тасвир геометрик шакллардан ҳоли. Шеърни ўқиркансиз, кўпроқ муайян кайфиятни, руҳий таранглиқни ҳис эта бошлайсиз. Асарда заҳархандалик ва киноя рангларнинг ўрин алмашиши, умуман, табиат қонуниятларининг бузилиши асосида ифодаланмоқда.

Бу йўсин тасвир эса модернизмнинг дастлабки оқимларидан бўлмиш экспрессионизмнинг ифода тамойилларига яқин туради. Экспрессионист мусаввирлар тасвирдаги предмет шаклини бузишга, рангларнинг ноодатий гармонияси асосида реал композицияни тўзғитишга уринганлар. Бу оқим Европада ўтган аср аввалидаги кучли абсурд кайфиятининг меваси ўлароқ юзага келди. Мавжуд буржуа асосларга қарши кайфият, эндигина шаклланиб келаётган социал муносабатлар, башарият ҳаётидаги мувозанатни издан чиқарган инқилоблар ва жаҳон урушлари одамларда бутун ижтимоийликдан қониқмасликни, эртанги кунга бўлган ишончсизликни келтириб чиқаради. Шу боис ҳам экспресисонист мусаввир чизган тасвир реал кўринишдан ҳар қанча фарқ қилмасин, унда санъаткорнинг руҳий ҳолати акс этган. У ўз асарида ўткир, совуқ ва золимона ифода излаб, ноуйғун ранглар воситасида инсон туйғуларини парчалашга уринган. Хусусан, мазкур оқимнинг ёркин намояндалари бўлмиш Ван Гог, Эдвард Мунк, Франс Марк асарларига эътибор қиладиган бўлсак, аввало, тасвирда асабий, таранг кечинмаларни ҳис қила бошлаймиз. Экспрессионизмни бошқа оқимлардан ажратиб турувчи энг муҳим жиҳат, бу унда кучли эмоциянинг ифода этилишидир:

Дош бермади кўз гавҳари
бу тусга
ям-яшил эди чунки
қип-қизилдан қуюқроқ эди
ип эшолмасди қоп-қора ҳатто
тўқроқ эди сап-сариқдан ҳам

Баҳром Рўзимуҳаммаднинг юқоридаги шеърларига ҳам муайян тушкун кайфиятнинг объектга кўчиши сифатида қараш ўринли бўлади. Зеро 90-йиллар адабий авлодини бирлаштирувчи асосий омил ҳам “ўтиш даври” кайфияти эди. Аслида, 80-йиллардаёқ мафкура босимининг бир мунча сусайиши маданий ҳаётдаги жиддий ўзгаришларга туртки бўлиб, ижодкор кўнглидаги СЎЗни (турли йўллар билан бўлса-да) ифодалаш имкониятига эриша бошлайди. Бу даврга келиб қарийб бир аср давомида одамлар ҳаёти, бутун фикр-хаёлини банд этиб, эътиқод даражасига етган коммунистик мафкуранинг асл қиёфаси очила ва улкан “империя” емирила бошлаган шароит ўзига хос кайфиятдаги ижодкорларни шакллантириб бораётган эди. Худди шундай, узоқ йиллар кутилган, кўплаб қурбонлар эвазига эришилган мустақилликнинг илк даврлари ҳам жамият аҳлида кутилган натижаларни бермаётгандай таассурот уйғота бошлайди. Чунки бир тузумдан иккинчи бир тузумга ўтиш халқимизнинг иқтисодий-сиёсий-маданий ҳаётида жиддий қийинчиликлар билан амалга ошгани ҳеч кимга сир эмас. Шу маънода 90-йиллар адабий жараёнида билибми ё билмай модернизм байроғи остида бирлашган ижодкорлар авлодини бир хил тушкун кайфият умумлаштириб турарди. Кези келганда таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳозирда бу сўз усталарининг кўпчилиги суст ижод қилмоқда ёки умуман ёзмай қўйган. Ёзаётганлари ҳам ўз услуби, мақсад ва ғояларини ўзгартирган. Чунки 90-йиллар шароитида бу ижодкорларни “қайнатган” кайфият, аллақачон, сўниб улгурган.

Инсон қалби билан ҳис қилади, аммо қалб воситасида мушоҳада юритиш ҳам мумкин. Ўтган асрнинг йигирманчи йилларига келиб майдонга чиққан **сюрреализм** ижодий жараёнда ҳам шунга ўхшаш ҳодисалар рўй беришини тасдиқлайди. Машҳур француз шоири Андре Бретон туш механикасини ўрганишга уринади. Унинг қарашлари туш ва реаллик ўртасидаги чегарани бузиш, англанадиган ва англанмайдиган ҳодисотларни ўзаро қориштиришга бўлган ҳаракатдан иборат эди. Бадиий адабиёт ва тасвирий санъатда бир вақтнинг ўзида оммалаша бошлаган сюрреализм француз файласуфи Анри Бергсон (1859-1941) қарашларига таянади. Бергсон онг ўз имконияти

билан оламни тўла тушунишга қобил эмаслигини, инсон фақатгина интуиция билан ҳақиқатни топиши мумкинлиги таъкидлайди [2.28]. Шу ақидадан туртки олиб шоир Андре Бретон, мусаввирлардан Макс Эрист, Ив Танги, Макс Мориз каби ижодкорлар сюрреализмнинг илк намояндалари сифатида фаолият олиб бордилар. Улар ўз асарларида онг билан бошқарилмайдиган ижодий жараённи акс эттиришга ҳаракат қиладилар. Баҳром Рўзимуҳаммад шеъриятида ҳам сюрреализмга хос унсурларни пайқаш у қадар мушкул эмас:

Осмон
қорачиғи суғуриб олинган
кўз каби
Бойўғли увиллар эди
Ҳувиллаб қолган боғда
Соялар
ҳеч ким таклиф қилмаса-да
рақсга тушарди…

Умуман, санъатдаги ижодий жараённи тушга қиёслаш мумкин. Чунки туш ҳам мия фаолияти маҳсули ва, айни чоқда, онг билан бошқарилмайдиган воқелик саналади. Худди шунга ўхшаш ижодий жараён ҳам тўлалигича онг назоратида эмас. Ҳозирги замон санъатшунослигининг илғор методи постструктурализмнинг бадиий асар таҳлилида писихологиядаги онгсизлик назариясига таянишининг сабаблари ҳам шунда.

Сюрреализм вакиллари ўз йўналишларини туш воситасида тушунтиришга ҳаракат қиладилар. Бу ҳақда фикр юритаркан, Андре Бретон: "…туш ўзи содир бўлаётган ҳудудларда узлуксизликка эга ва унда ички бир тартиботнинг излари бўлади" [3.165],- деб ёзганди. З.Фрейд, К.Юнг каби машҳур психолог-файласуфларнинг туш борасидаги тадқиқотларига таянган сюрреалистлар ўз асарларини "олий реаллик" деб атайдилар. Уларнинг айтишича, чинакам реаллик нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятида. Бу реаликни эса онг ости "механизм"лари билангина кўриш мумкин.

Баҳром Рўзимуҳаммад бир шеърида тушга шундай ўзига хос таъриф беради:

Туш бозори бор девор кавагида
туш сотиб олмоқ мумкин кўршапалакдан
фақат сичқон иштирок этадиган тушларни
тушни кўрмоқ учун кўз ҳам шарт эмас
қора қонига бўялади ой
ойни ютиб
юборар осмон…

Рус санъатшуноси Ю.Ричкова сюрреалист шоир Андре Бретон ижодига тўхталаркан: "Сюрреализм даври шоирлари ўз ижод намуналарида хаёлдаги пароканда фикр ва таассуротлар оқимини ифодалашга уринганлар. Шу боис уларнинг шеърлари кўп, чуқур маъноли эса-да, тартибсиз сўзлардан таркиб топади" [4.155],- деб ёзади. Андре Бретоннинг "Магнит майдони" (1920) ва "Йўқотилган қадамлар" (1924) шеърий тўпламларига кирган асарлар [5] ифода хусусиятларига кўра юқоридаги шеърларга жуда яқин туради.

Мутахассислар модернизм оқимлари ичида сюрреализмни доим дадаизм билан ёнма-ён ўрганиб келганлар. Улар бу икки оқимга эгизак ҳодисалар сифатида қараб, бири иккинчисининг ифодасида акс этишини таъкидлайдилар. Дадаизм ва сюрреализм алоқаларини муштарак боғлаб турувчи яна бир жиҳат, иккисининг ҳам бадиий адабиётда, хусусан, шеъриятда кенг урф бўлганлигидир.

Дадаизм биринчи жаҳон уруши арафасида Европа нигилизми меваси ўлароқ дунёга кела бошлади. Бу йўналиш вакиллари нафақат ўзигача бўлган даврларни, балки ўзларини ва кейингиларни ҳам инкор қиладилар. Жаҳон урушининг таҳликаси, ўта таранг ижтимоий муносабатлар ва кучли абсурд кайфияти ижодкорни "Энди ҳеч нарса йўқ, ҳеч нарса ва ҳеч нарса" [4.150] дейишига мажбур қилади. Санъаткор маънисиз жаҳон урушига қарама-қарши қилиб ўзининг бемаъни асарини қўя бошлайди. Бу йўналиш вакиллари ўз ижодларида, ҳатто, композициянинг энг элементар қонуниятларини ҳам бузадилар. Улар муайян сюжет ва ассоциатив боғлиқликдан кўз юмишга уринадилар. Аммо инсон ҳар қанча уринмасин, унинг фикрлаш тарзи (хоҳ онг бошқарувида ва хоҳ онг ихтиёрисиз) муайян бир тартибот асосига қурилади:

Ниначи шаклида учиб келаётган
бу жажжигина вертолёт
жо бўлади ерга қўнганда
гугурт қутисига оҳистагина

айни пайтда вертолёт шовқинни
осмонни эгаллаб олади бутунлай
қумурсқа қулоғи кар бўлди хатто

айни пайтда тортишиш кучи боис
ўз ўқидан чиқиб кетди ер шари
чиқиб кетди қуёш системасидан…

Баҳром Рўзимуҳаммаднинг "Вертолёт" номли шеъри баъзи жиҳатлари билан дадаистлар ижо-

дига яқин туради. Шеърдаги образларнинг яралишида муайян ассоциатив боғлиқлик бўлса-да, асарда улар ўзаро боғланмайди. Яъни шеърда структурал изчиллик мавжуд эмас. Аммо хулоса чиқаришга шошмаган маъқул. Шоирнинг худди шундай мантиқсиз туюлган шеъри ҳам инсондаги муайян кайфиятнинг акси сифатида қимматга эга бўла олади.

Дадаизм йўналиши мусаввирлари ўз картиналарида "бемаъниликни", худди шундай бемаънилик билан ифода этганлар. Яъни уларнинг асарларида фотосурат қийқимлари, газета бўлаклари, майдай-чуйда латталар, тугмалар, хуллас, ҳар нарсани учратиш мумкин эди. Шоирлари эса ҳеч қандай маъно англатмайдиган ёки ўзаро қовушмайдиган сўзлар воситасида шеър битган.

Модернизмнинг яна бир катта йўналиши сифатида абстракционизмни кўрсатиш мумкин. Бу йўналиш ўзида модернизм оқимларига хос барча хусусиятларини жамлай олади. Мутахассислар бу оқимни "предметсиз тасвир" деб ҳам аташади. Ҳақиқатдан ҳам бу йўналишга хос суратларда ҳеч қандай "предмет" бўлмаслиги мумкин. Унинг намояндалари мавжуд фотография оламни реал кўрсатишга тўла қодир, аммо унинг моҳиятини абстракт шаклдагина ифодалаш мумкин деб билганлар. Абстракционизмнинг бошқа оқимлардан фарқи унда лиризмнинг мавжудлиги эди. Мусаввир картинада эркин, сузувчан шакллар тўлқинини тебранма ранглар воситасида ифодалашга уринган.

Ёмғирда ивиган
ўрик гулини
хўроз қичқириғига ўраб ушладим

гир атрофда шафақ
қуёшдан нур эмас
қон томаётгандек

Шоир Баҳром Рўзимуҳаммаднинг бу шеъри деталлаштирилмагани боис ҳам абстракт ҳодисадир. Яъни шеърни ўқиркансиз, табиатнинг гўзал манзараси гавдалана бошлайди, лекин айнан нима? Ўқувчи деталлар воситасида умумийликни эмас, балки умумий тасвир асосида деталларни пайқаши мумкин бўлди. Ўрик гули баҳордан, хўроз қичқириғи тонгдан, қуёш ёмғирнинг тинганидан ва осмон ўта мусаффо эканлигидан, оппоқ парлар эса қуёш тафтидан далолатдир...

Абстракционизм ижодкорнинг лирик, аммо парокканда ва бошқарувсиз қалб тўлқинларини акс эттириб, субъектни тушкун ва ёлғиз тасвирлайди:

Рассом ўйлаб топган
бу қора ранг қоп-қораки
унга чизсанг тун кўринади
Бемалол чизаверинг қора мушукни
айниқса думини
қилларини…

Шеърни ўқиркансиз беихтиёр машҳур рус мусаввири Казимир Малевичнинг абстракционизм йўналишидаги "Қора квадрат" картинаси ёдга тушади. Шоир ҳам худди мусаввир каби деталларсиз, фақат қора рангнинг аҳамиятини кўрсатишга уринади. Дунё санъатида ўзига хос ўринга эга бўлмиш "Қора квадрат" сурати фақат битта – қуюқ қора рангдан ташкил топади. Санъатшунослар ўртасида бу картинага нисбатан турли фикрлар бўлса-да, кўпчилик унга кучли абсурд кайфияти ва хаосни акслантирган асар сифатида қарайди. Умуман, модернизмда тасвирнинг реаликка ва сюжетга монанд аҳамияти жуда ҳам сусайиб кетади. Асосийси, қуруқ рамканинг ўзи бўлса ҳам картинада ижодкор кайфияти зуҳур этсин.

Модернизмнинг энг сўнги оқимларидан бири сифатида поп-арт йўналиши кўрсатилади. Ўтган асрнинг 50-йилларига келиб юзага чиқа бошлаган поп-арт йўналиши ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини ва оммавийлигини йўқотгани йўқ. Албатта, поп-арт намояндалари абстракционизм, дадаизм ва сюрреализмни ўзларида жамлаганларини инкор этмасаларда, бу йўналиш модернизмдаги революцион бурилиш эди. Унинг ифодасида объектга ва рангларга бўлган муносабат тамомила ўзгача. Мусаввир тасвиридаги предмет кўп маъноли эстетик ва ижтимоий аҳамиятга эга образга айланади. Поп-арт инсонлар ўртасида коммуникатив воситалар ривожланаётган, глобаллашув даврининг мевасидир. Бу йўналиш биз кўп эшитадиган "поп-культура", "неодадаизм", "оммавий маданият" ва "кундалик санъат" тушунчаларининг бир бўлагидир. Поп-арт предметнинг реал кўринишга монанд жиҳатларини инкор этмайди, лекин уни абстракт композицияга, унинг ўзига хос бўлмаган ҳолатда жойлаштиради. Ижодкор ўз асарида дунёнинг ўзига хос кўринишини яратишга уриниб, ўз картинасига оддий одам тасаввур қила олиши мумкин бўлган реалликни ҳам, абстрактликни ҳам, сюрреалликни ҳам жойлашни шарт деб билган. Эндиликда мусаввирга ҳар қандай буюм ҳам санъат асари учун манба бўлиши мумкин эди:

Тўқ сариқ тусдаги шиша
Ичида овоз майдалагич

ҳиссиётни кесадиган қайчи
сал олисроқдан қарасанг агар
кўринади қип-қизил тусда
бу шиша…

Биз бу ўринда шеърдаги ғоя ва маънонинг чуқур ёки саёзлиги масаласига тўхталиб ўтирмоқчи эмасмиз. Буни ҳар бир ўқувчи ўз қобилиятига мос равишда кўради. Биз сизнинг эътиборингизни бошқа нарсага, ижодкор ўз кечинмаларини кундалик турмушнинг оддий буюмлари, столимиз устида доим турувчи анжомлар воситасида ифодалай олганига қаратмоқчимиз.

Поп-арт санъатни оммалаштирибгина қолмай, унга иқтисод, сиёсат, тижорат ва кундалик маишатни олиб кирди. Поп-артчилар ўз асарларида инсонларнинг кундалик ҳаётидаги энг оддий буюмларга мурожаат этадилар:

Учиб бораётган қошиқ
кимдир ўтди дунёдан демак
ёки қушмикан
тарелкалар тарақ-туруқи
кўзнинг бир очилиб юмилиши
киприкнинг киприкка теккани
яъни жаранги…

Баҳром Рўзимуҳаммад худди поп-артчилардек предмет танламоқда ва худди мусаввир картинасида бўлгани каби, шеърда предметга унинг асл функциясидан бошқа юмушни тайинламоқда. Яъни юлдуз учса кимнидир оламдан ўтганини ҳабар қилади деган ақида мавжудки, бу ўринда учаётган қошиқ ана шу маъноларини ўзига юклаб олмоқда.

Поп-артчилар ўз асарларида шовқинли, ривожланган дунёни акс эттирмоқчи бўладилар. Аммо улар шаҳардаги заводларни, баланд биною серқатнов кўчаларни тасвирламайдилар. Улар одамлар турмушининг қайноқ, коммуникатив муносабатларнинг оддий элементларидан фойдаланганлар:

***Филм**нинг давоми*

Қурбақа келин ҳовузнинг тинч жойига
Икки-учта қизил япроқ тўшаб қўяди
Сув остидаги япроқ тошнинг
Нури билан тозалайди япроқларини
Бедана сайроғини супирги қилиб
Супириб чиқади сув бетини
***РЕКЛАМА** олмага асалари қўнмоқда…*

Санъат – ижтимоий ҳодиса. Ижодкор қайси даврда, қандай шароитда ва қандай истакда асар яратмасин, унда барибир ижтимоийлик акс этаверади. Чунки ижодкор – шахс, мавжуд жамиятнинг бир бўлагидир. Биз Ғарбда XX аср бошларидан то 80-йилларга қадар давом этган санъатдаги изланишлар ўзбек заминида айнан такрорланган дейиш фикридан йироқмиз. Зеро, модернизмни ҳар бир ижодкор ўзи яшаётган ижтимой ҳаётга, менталитетига мос тарзда қабул қилади. Машҳур санъатшунос Акбар Ҳакимов рассом Хуршид Зиёхонов ижоди ҳақида сўз юритаркан: “Ўзбек кубизми Ғарб классик кубизмининг айни ўзи эмас. У халқимиз анаъналари билан қоришган йўналиш ва бу уни миллий асосдаги ўзбек кубизми деб аташимиз учун етарли бўлади” [6],- деб ёзган эди. Шу маънода, биз ҳам Баҳром Рўзимуҳаммад асарларига ўзбекнинг муайян даврдаги кайфиятини ифодалаган шеърият сифатида қараймиз.

Адабиётлар:

1. Рўзимуҳаммад Б. Чўлпон -тонг юлдузи демак.- Т.: Ўқитувчи, 1997. 69-б.
2. Бергсон А. Творческая эволюция. Материя и память.- М.: Харвест, 1999. Б. 28.
3. Бретон А. Сюрреализм манифести // Жаҳон адабиёти. – 2000. – №5. Б.165.
4. Рычкова Ю.В. Энциклопедия модернизма. – М.: ЭКСМО, 2002. Б. 155.
5. http://www.stihi.ru/2007/09/11/2249
6. Хакимов А. Узбекская траектория кубизма // Санъат. – 2004. – №2.

Ўзбекистон миллий университети,
2012 йил 16 ноябрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Д.Қуронов)